

Шундан кейин Ўзбек ойим олдинга тушиб, кудаси билан Кумушни уйга бошлади. Уларнинг кетидан бош-ка мехмонлар юрдилар. Ўзбек ойим йўл устидан Ойбо-докка:

— Тезрок чойингга кара, бечораларнинг аравада ичаги узулгандир,— деди ва Офтоб ойим билан Кумушка,— мен сизлардан жуда хафаман,— деб кўйди.

Офтоб ойим Кумушка караниб жавоб берди:

— Айтсангиз, айтмасангиз биз жуда уятлик бўлган-миз.

Уйнинг дахлизига кирдилар. Ўзбек ойим уларни тўрга таклиф килди:

— Кани, юкорига! — деди.

Офтоб ойим тўрга харакат килса ҳам, Кумуш бошка мехмонлардан уялиб тўхтади, Ўзбек ойим уни кистаб тушди:

— Ийманма, Кумуш отин, бу кун-ерта бизга янги келинсан, учунчи кундан бошлаб сен мугомбирнинг бошингда тегирмон юргизишни ўзим яхши биламан! — деди. Офтоб ойим ва кейиндагилар кулишдилар. — Яна хали сен маним собунимга кир ювиб кўрганинг йўк!

— деб кўйди. Бу гал Кумуш ҳам кулимсираб олди. Тўрга Офтоб ойим ва Мохира кудачалар ўлтурдилар. Офтоб ойимнинг сўлига Кумуш, Кумушнинг ёнига Хушрўй, Мохира ойимнинг ўнгига Ханифа, ундан кейин Карима отин, Шарофат чевар ва Махинабонулар катор чизилишдилар. Энг оёгда Ўзбек ойимнинг ўзи ўлтурди. Карима отин кўл очиб дуо килгандан кейин, Ўзбек ойим «Хуш келибсиз» килди. Мундан сўнг хамманинг кўзи иттифок килгандек Кумушка тушди. Кумуш уялиб ерга каради. Бир неча вақт жим қолишиб Мохира ойим Офтоб ойимдан сўради:

— Маргилондан етиб келгунча ҳам жуда бир ерга еткандирсизлар?

— Унча чарчаганимиз йўк, — деди Офтоб ойим,— ўзи Маргилондан Тошкандгача арава йўли ўн кунлик экан, биз чарчамайлик, деб секин-секин ўн икки кунда келдик.

— Йўл лойдир? — деб сўради Махинабону.

— Лой эмас, — деди Офтоб ойим, — йўл жуда яхши экан — икки ёқда кўм-кўк майса, кирларда лолалар, йўлнинг жуда ҳам томоша вақти экан.

Сўз навбати Ўзбек ойимга келди:

— Келмаганларингизда Отабекни энди сира ҳам юбормасликка қарор қўйган эдим, — деди, — бооо худо, ўғлим, уч йилдан бери ой сайин Маргилонга катнаб зерикмадингни, энди улар ҳам келсин ахир, деб йўлдан тўхтаткан эдим.

Кумуш Отабек исмини эшиткач, секингина кўтари-либ кўйди. Офтоб ойим Хасаналидан хамма сирни ўрганиб олган, шунинг учун Ўзбек ойимнинг довдирашига тушунди:

— Юзимизга солмасангиз ҳам жуда уятлик бўлган-миз, — деди.

Зайнаб дастурхон кўтариб кирди ва мехмонларга «Хуш келибсиз» айткандан сўнг дастурхонни ёзди. Дахлиздан — Ойбодок кўлидан ясалган баркашларни олар экан, бир-икки кайта ер остидан Кумушка кўз юборди ва Кумушнинг кўзи ҳам унинг кейинги қаршида тўкнашиб олди. Баркашлар кўйилиб бўлди. Ойбодок тўрт чойдиш чойни мис теклиги билан киргу-зиб берди. Зайнаб чойдишлар ёнига мехмонларга чой куйиш учун ўлтирди. Ўзбек ойим чикиб борган Ойбодокни тўхтатиб сўради:

— Кассоб келганмикин?

— Боя келган эди. Ойимлардин фотиҳа олиб берсангиз, кўйни чиқариб берар эдим.

Ўзбек ойим кудачасига каради:

— Фотиҳа берасизми, куда!

Офтоб ойим Мохира ойимга каради.

— Фотиха берингиз, ойи!

— Кўй сизга аталган, — деди Мохира ойим. — Фотиха бериш сизнинг хаккингиз, биз бўлсак фотихани кўб берганмиз...

Ўзбек ойим ҳам «сиз беринг» дегандек килиб Офтоб ойимга имлади. Офтоб ойим уялинкираб фотиха берди. Ойбодок чикгандан кейин дастурхонга карадилар ва «олинг-олинг» билан бир-бирларини кисташа бошладилар. Боягидек кўбчиликнинг кўзи Кумушда эди. Айникса Ўзбек ойим сукланиб унга қарар ва томокка кистар эди:

— Ол болам, ол! Мен томокдан уялатурган кишини ёмон кўраман. Ёки эшикдан киришингданок санси-рай бошлаганим учун хафа бўлдингми?

— Хафа бўлиш эмас, сўйиндим, — деди Кумуш ва дастурхондан чўкинди.

Офтоб ойим:

— Сансирашингиз уч йилдан бери Кумушни болам, деб юрганингизни бизга очик онглатди. Айникса мен бунинг учун сиздан миннатдорман.

Карима отин:

— Киши ўз боласини сансирайдир, бегонани ҳам сансирасин-чи.

Зайнаб:

— Мени ҳам чимилдикдан чикишим биланок санси-раган эдилар...

Ўзбек ойим:

— Мен якин кўрган кишимни сизсирай олмайман.— деб махтанган сумол бўлиб олди, — хой Кумуш, ол, жилла куриса анув варакидан бир-иккита е, юрагинг узилгандир.

Кумуш узр айтди:

— Чарчадим шекиллик, — деди, — иштихом бўгил-ганга ўхшайдир...

Ўзбек ойим кулди:

— Иштихонг бўгилган бўлса чарчаганингники эмас эрингни согинганингники, — деди.

Бирдан хамма кулиб юбордилар. Зайнаб ҳам кулгуга иштирок килди... Аммо Кумуш юзини четка ўгирган эди. Эхтимолки, кайин онасининг заковатига ичидан тахсин ўкур эди.

Ўзбек ойим Офтоб ва Мохира кудаларни дастур-хонга кистади:

— Олинг куда, сиз ёшларни кўяберинг, буларни йигит асраса, сиз билан мени томок асрайдир.

Яна кулги бошланди. Офтоб ойим ўзини тутолмай кулар эди. Кумуш ҳам очик кулиб, кулги орасида Зай-набка караб олди — Зайнаб ҳам кулар эди...

Кулги босилиб тушкандан кейин, Зайнабнинг янгаси Кумушдан сўради:

— Бегингиз билан кўришмаганингизга канча бўл-ди?

Кумуш дахшатланиб онасига каради. Офтоб ойим жавоб берди:

— Уч ой шекиллик.

Хушрўй ўзининг золим кўзини ўйнатди:

— Ха, бўлмаса холам айтканларидек иштихонгиз бўгилгани ўшаники.

— Тўгри, тўгри! — дейишди хотинлар.

— Мен ўзим биламан, — деди Ўзбек ойим, — жўрттага Отабекни уч ой тўхтатиб кўйдим-ку, ахир!

Кумушнинг кўнглидан кечди: «Аник биласиз, жўрт-тага тўхтатдингиз!»

Офтоб ойим кулиб жавоб берди:

— Жилла уники бўлмаса керак. Маним ҳам иштихом бўгилгандек...

Ўзбек ойимнинг эсига Отабек тушкан эди.

— Хой, айткандек, Отабекни кўрдингизми? — деб Офтоб ойимдан сўради:

— Йўк.

Ўзбек ойим Зайнабка каради:

— Ташкаридамикин?

— Йўк эмишлар... — деди Зайнаб.

Ўзбек ойим ажабланди:

— Боя отанг хам сўраган эдилар... — деди, — ка-ёкка кеткан экан, аклсиз... Эрталаб сенга хеч нарса демабмиди?

Кумуш Зайнабнинг огзига тикилди, Зайнаб хам унга караб олди:

— Эрталаб мендан уст тўнларини сўраган эдилар,— деди, — мен тўнни бериб каёкка боришларини сўраганимда, бир жойда ишим бор, деган эдилар...

Зайнаб зимнан Кумушни чакиб олди. Кумуш лой каби бўшашиб, Офтоб ойим хам огир тортди. Зайнабнинг кариндошлари кулган сумол бир-бирларига карашиб олдилар. Ўзбек ойим орадан ўткан сирни пайкади: «Бирарта зарур иши чикгандир», деди. Шу вақт даричадан Хасанали кўринди, кўлида бир меш кимиз кўтарган эди, даричадан туриб мехмонларни «Хуш келибсиз» килди» ва кимизни уза-тиб Офтоб ойимга караб кулди:

— Кимизни куявингиз сизга киргизди.

Офтоб ойимнинг хуши ўзига келиб, Кумушнинг юзига кон югирди. Ановилар бўлса, энди буларнинг холига тушиб бўзрайишдилар.

Кимиз билан енгиллашкан Ўзбек ойим Хасаналидан сўради:

— Качон келди?

— Хозир.

— Каёкка йўколган экан, ахмок?

Хасанали изох берди:

— Кеча хожи унга иш буюрган эканлар. Билмадим, кеча нима билан овора бўлиб хизматни унуткан ва бу кун эрталаб эсига тушиб мехмонлар келгунча бориб келарман, деб шунга кеткан экан. Борадирган жойи узоғроқда бўлиб, кечиккан ва йўлдан келатуриб бу гунохига икки меш кимиз олган... Хали кимизни менга бериб: «Кириб айтинг, жуда уятлик бўлдим кечирсинлар», дейдир, — деди ва кулди.

Карима отин:

— Кечирилмайдир, кимиз ўзи нима деган гап, — деди.

Офтоб ойим мехмонларга караб чикгандан кейин Хасаналига кулиб жавоб берди.

— Ўзимиз жуда чўллаб келган эдик, шунинг учун кечирдик.

— Балли-балли! — деди Хасанали, — мен кечирганингизни чикиб айтаман.

— Чикиб айтинг, — деди Офтоб ойим.

— Сиз-чи? — деб сўради Хасанали Кумушдан.

Кумуш бакадек котиб ўлтурган Зайнабка каради ва уялинкираб жавоб берди:

— Мен хам кечирдим...

— Сизнинг икки бошдан кечиришингизни ўзим хам билар эдим, — деди Хасанали. Бўғоз-кисир уй ичини кулги босди.

Кулгидан сўнг Ўзбек ойим:

— Нега ўзи кирмади? — деб сўради.

— Кайин отаси билан сўзлашиб ўлтурубдир...

Хасанали кеткандан кейин Ўзбек ойим Ойбодокка, кимизни мис тоғорага бўшатишка буюрди. Кўй сўйилиб тайёр бўлган эди. Ўзбек ойим кудачасининг раъйини сўради:

— Нима буюрасиз?

— Мендан сўраб ўлтурманг, мехмонлар нимани хохласалар биз хам ўшанга ёрмиз.

Ўзбек ойим томок буюриш учун хавлига тушди. Зайнаб мис тоғорога ағдарилган кимизни

чўмичлаб косаларга куйиб меҳмонларга тутди.